

# Пудрат шартномаси № 1

Урганч шахар

«25» Август 2022 йил

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Урганч шахар 8-сонли айрим фанлар чукур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернати номидан Низом асосида иш кўрувчи директор О.Эшметов бир томондан, кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган "Elevation Constructtor" МСНJ номидан Низом асосида иш курувчи Э.Сапаров иккинчи томондан : Урганч шахар 8-сонли айрим фанлар чукур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернати ташки қисмини жорий таъмирлаш буйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## I. Таърифлар

### 1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади:

ижро хужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиклиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кулланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда кабул килиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар;

курилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси.

Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб куйилади ёки бош режага мувофик белгиланадиган бошка белгилар билан белгилаб куйилади;

Вактинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан курилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган хар кандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар;

Беркитиладиган ишлар – сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниклаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

Шартнома нархини булиб чикиш – ишларнинг хар бир боскичи ёки турлари кийматини аник белгилаган холда шартнома буйича объектнинг умумий кийматини боскичларга таксимлаш.

## II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофик Урганч шахар 8-сонли айрим фанлар чукур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернати ташки қисмини жорий таъмирлаш смета лойихада кузда тутилган объектни куриш буйича таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. Шартнома буйича ишлар киймати

3. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиганган, танлов натижасида аникланган ва танлов комиссиясининг билан тасдиқланган ишлар киймати ҚҚС хисобга олган холда жорий нархларда **192 000 000 (Бир юз тўқсон икки миллион)** сўмни ташкил қиласи.

4. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта куриб чикилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно :

курилиш кийматини купайтиришга енгиб булмайдиган куч(форс-мажор)холатлари сабаб булганда;

ишлар хажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда;

объектнинг курилиши бир йилдан ортика узгартирилганда.

5. Таъмирлаш муддати бир йилдан ортиқ булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага кушимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II-булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада хамда унга 1 - иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда узининг кучлари ва ёки жалб килинган кучлар билан

риш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш, бунда объект хининг камидаги 20% микдоридаги ишларни уз кучлари билан бажариши шарт; курилиш майдони худудида вактингчалик иншоотлар куриш; Буюрмачини пурдат шартномалари тузилиши давомида субпурдатчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпурдатчининг номи ва манзили тугрисида хабардор килиш; курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вактида атроф-мухитни, утказилган дараҳатларни ва ер участкасини муҳофаза килиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари урнатиш; мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга кабул килиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини узига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар хамда вактингчалик бинолардан бушатиш; курилиш майдони курикланишини таъминлаш; мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

#### **V. Буюртмачининг мажбуриятлари**

##### **8. Мазкур шартномани бажариш учун**

Буюртмачи: (пурдат шартномасига асосан 1-илова ишларни бажариш графики 2-илова молиялаштириш графики) мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага 1 - иловага мувофик ишларни бажариш учун ярокли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача булган даврда далолатнома буйича Пурдатчига бериш; ишлар бажарилиши устидан доимий назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пурдатчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини таъминлаш; Пурдатчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чиқиш ва карор кабул килиш; Молиялаштириш жадвалига биноан Пурдатчига 2 - иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш; Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини олади;

#### **VI. Ишларни бажариш муддатлари**

9. Шартнома: миллий валюта "Сум"да узаро хисоб-китоб килинганда томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб; кейинчалик ЭАВ га конвертация килган холда миллий валютада "сумда" узаро хисоб-китоб килинганда – шартнома конун хужжатларига мувофик руйхатдан утказилгандан кейин кучга киради.

10. Пурдатчи мазкур шартномага илова килинадиган ишларни бажари графика мувофик шартнома тузилган кундан бошлаб кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси буйича аникланган курилишнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан эътиборан 20 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома буйича ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

#### **VII. Туловлар ва хисоб-китоблар**

14. Буюртмачи Пурдатчига мазкур шартнома бўйича ташкилотнинг молиялаштириш жадвалига асосан пурдатчининг хисоб ракамига ишларни умумий қийматининг 30 фоиз микдорида аванс ўтказади, бу 57 600 000 (Эллик етти миллион олти юз минг) сўм 00 тийини ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пурдатчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос хисобланади.

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати кабул килингандан кейин, берилган авансни хисобга олган холда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 100 фоизигача доирасида амалга оширилади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома буйича уз зиммасига кабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб уттиз кун мобайнида бажармаган такдирда, Пурдатчи бу хакда конун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган холда, шартномага узгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор килиш хукукига эгадир. Бунда Буюртмачи Пурдатчи томонидан бажарилган ишлар учун хак тулашдан озод килинмайди.

#### **VIII. Ишларни бажариш**

18. Буртмачи курилиш майдонида уз вакилини- техник аудиторни тайинлади, у Буртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади шунингдек Пурдатчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини текширади.

19. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида парнинг барча турлари билан тусиксиз танишиши хукукига эгадир.

20. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган булса ёки у бу хакда хабардор килинмаган булса ёки кечикиб хабардор килинган булса, у холда унинг талаби буйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини уз хисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

21. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатиз бажарилганлигини аникласа, у холда Пудратчи уз кучлари билан ва курилиш кийматини купайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида курсатилган холлар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши окибатида етказилган заарларни Буюртмачига тулади.

22. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ кучка полосасини, шу жумладан йул участкалари ва йулакларни супуриб-сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдондан курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан курсатилган жойга чикариб ташлади

#### **IX. Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор)холатлари**

23. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равища узайтирилади.

24. Агар енгиб булмайдиган куч холатлари ёки уларнинг окибатлари бир ойдан куп вактга чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар курилишини мухокама килидилар.

25. Агар томонлар икки ой ичиди келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

#### **X. Курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш**

26. Курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булган белгиланган тартибга мувофик мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиши тугалланган объектларни фойдаланишга кабул килиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.

27. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тугрисида Пудратчининг ёзма билдиришиномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 3 кун мобайнида кабул килиб олинади.

28. Пудратчи курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V-булимига мувофик Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос келишини ёзма равища тасдиклаши керак.

29. Кабул килиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

#### **XI. Кафолатлар**

##### **30. Пудратчи:**

барча ишлар тулик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиха хужжатларига хамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини, узи томонидан курилиш учун кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларидан курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиклигини;

ишларни кабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни уз вактида бартараф килишни;

объектлан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиклигини кафолатлайди.

31.Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан идаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш тургисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб белгиланади.

## **XII.Шартномани бекор килиш**

### **32.Буюртмачи:**

шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боялик булмаган сабабларга кура Пудратчи томонидан бир ойдан куп вактга кечиктирилганда; ишларни тутатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга купайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда; Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда; конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

### **33.Пудратчи:**

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боялик булмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатга тухтатиб куйилганда; Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда; конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

34.Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кушма карорига кура тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тулади.

35.Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур булим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

36.Шартнома бекор килинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни,шу жумладан бой берилган фойдани тулади.

37.Шартноманинг бир томонлами бекор килинишига йул куйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

## **XIII.Томонларнинг мулкий жавобгарлиги**

38.Томонлардан бири шартнома шартларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни коплайди:

Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексида, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тургисида»ги Узбекистон Республикаси конунида, бошка конун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошкacha жавобгарликка тортилади.

39.Мазкур шартномага тегишли иловаларда курсатилган уз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, уз вактида молилаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,05 фоизи микдорида пеня тулади, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод килмайди.

40.Шартномага мувофик бажарилган ишлар хажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилниги учун Буюртмачи Пудратчига узи тасдиқлашни рад этган ёки бош торған сүмманинг 20 фоизи микдорида жарима тулади.

41.Пудратчи объектни уз вактида ишга тушириш буйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,05 фоиз микдорида пеня тулади, бирок бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар уз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,05 фоизи микдорида пеня тулади, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 20 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тулаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод килмайди.

42. Шартнома буйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган хазолардан ташкари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошка томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарни коплайди.

43. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошкача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

#### XIV. Низоларни хал этиш тартиби

44. Шартномани бажаришда ва бекор кишилда шунингдек етказилган заарларни коплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда хужалик суди томонидан куриб чикилади.

#### XV. Алохидаги шартлар

45. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучини йукотади.

46. Мазкур шартномага барча узгартириш ва күшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар томонидан имзоланиб, Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Газначиликдан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради ва 31.12.2022 йилгача кадар амал киласи.

47. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо булишига олиб келадиган хар кандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага күшимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

48. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кулланилади.


49. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булган 2 нусхада тузилди.

### XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

ПУДРАТЧИ:

БЮОРТМАЧИ:

"Elevation Constructtor" MCHJ	Урганч шахар 8-сонли айрим фанлар чукур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернати
Манзили: Урганч туман Корул қишлоғи	Манзили: Урганч шахар
Тел/факс: 88-488-06-06	Тел/факс: 228-67-03
х/р: 2020 8000 3051 7492 2001	ш/хр: 100021860334017092300075022
ИНН: 307 107 294	ш/хр: -----
Банк : АТБ Хамкорбанк Урганч филиали	ИНН: 201 651 079 ОКОНХ:
МФО: 01020	Молия Вазирлиги Газначилиги
	Фазна х/в : 23402000300100001010
	Банк : Марказий банк Тошкент ш XKKM
	МФО : 00014 ИНН: 201122919




Э.Сапаров



О.Эшметов

(Имзо)

Принт:  б. Эшметов

Урганч шахар 8-сонни айрим фанлар чукур ўрганиладиган ижтисослаштирилган мактаб-интернати ташки қисмини жорий таъмирлаш буйича ойлар давомида ишларни бажариши графиги

1-йлова

№	Объект номи ва манзили	Хажм бирлигининг киймати	2022-йил учун ишларни бажариш киймати														
			1-чорак	2-чорак	3	4-чорак	январ	феврал	март	апрель	май	июнь	август	сентябр	октябрь	ноябрь	декабрь
1	Урганчи шахар 8-сонни айрим фанлар чукур ўрганиладиган ижтисослаштирилган мактаб-интернати ташки қисмини жорий таъмирлаш буйича ойлар давомида ишларни бажариши	192 000 000,00												57 600 000,00	134 400 000,00		



Гудратчи:



Буорчачи:



Гудратчи:

Урганч шахар 8-сонли айрим фанлар чукур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернати ташки қисмими жорий тъмирлаш бүйича ойпар давомида  
молиялаштириш графиги

2-штова

Тұр	Объект номи ва манзипи	Хажм бирлігіннің кийматы	2022-йил учун молиялаштириш кийматы											
			1-чорак			2-чорак			3-чорак			4-чорак		
			январ	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь
1	Урганч шахар 8-сонли айрим фанлар чукур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернати ташки қисмими жорий тъмирлаш	192 000 000,00												
	Аванс суммасы	57 600 000,00								57 600 000,00				
	Бажарылған иш учун	134 400 000,00								134 400 000,00				



*С.Ж.Б.*